

83.3(593)



ЎТ0000001143

АЛИШЕР НАВОИЙ
ҳаёти ва ижоди

83.3(5 93)

Н 14


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҳаёти ва ижоди

(альбом)



У-7146

Тошкент-2010

74.200.58

Н14

"Алишер Навоий" ҳаёти ва ижоди/ Тузувчилар: Б. Тўхлиев, Г. Ашурова; масъул муҳаррир Ё.Исҳоқов; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тош. дав. пед. ун-ти. - Т.: 2010. - 64 б.

И. Тўхлиев, Боқижон.

УДК: 821.512.133(092) Навоий
ББК 74.200.58+3(5Ё)1

Ушбу альбом-қўлланмада буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ихчам тарзда акс эттирилган. У умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежининг ўқувчилари, талабалар, ўқитувчилар учун мўлжалланган. Ундан буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи барча мухлислар ҳам фойдаланишлари мумкин. Альбом ИТД - 4-138 рақамли «Адабий таълимнинг ёшларга таъсири» ҳамда ИТД - 4-154 рақамли «Тўғараклар ишини ташкил этишнинг ташкилий-услубий асосларини яратиш» мавзусидаги давлат грантлари лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тузувчилар:

филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев,
филология фанлари номзоди Г.Ашурова,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси Д.Тўхлиева

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди Ё.Исҳоқов

Тақризчилар: Филология фанлари доктори, профессор Н.Комилов
Филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳомидов

Ушбу қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети. Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети, 2010.

*Агар бу зотни авлиё десак, у
авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир
десак, мутафаккирларнинг
мутафаккири, шоир десак,
шоирларнинг султонидир.*

Ислом Каримов

Алишер Навоий

Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётидаги энг ёрқин сиймолардан биридир. Бу буюк бобокалонимиз қолдирган улкан меросда олам ва одамга боғлиқ бўлган ҳодисалар фавқуллодда теран нигоҳ билан таҳлил этилган. Уларда инсон моҳияти, унинг ижтимоий вазифаси, бурч ва масъулиятлари, имконият ва ожизликлари юксак бадий оҳангларда тасвирланган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улут зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг муътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир"

Ана шу буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди таълимнинг деярли барча босқичларида ўрганилади. Мазкур альбом шу жараёнларда амалий ёрдам беради, деган умидда тузилган. Альбомда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун муҳим бўлган кўргазмали материалларнинг бир қисмини жамлашга ҳаракат қилинди. Уни тузишда йирик Навоийшунос олимлар Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймоновалар томонидан нашр этилган альбомлардан, Ч.Ахмаров, Т.Саъдуллаев, Н.Қўзибоев, А.Криакиди сингари мўйқалам усталари ижодидан, шунингдек, айрим интернет материалларидан фойдаланилди.

Альбомни тузишда Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг ходимлари ўз маслаҳатлари ҳамда фонддаги материаллар билан катта амалий ёрдам беришди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Альбом материаллари умумий ўрта таълим мактаблари, академик-лицейлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларида олиб бориладиган адабиёт дарслари самарадорлиги учун ёрдам беришига шубҳа йўқ. Альбом ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни Низомий номидаги ТДПУ "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедрасига билдиришингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

Электрон почта: bokijontukhliev@inbox.ru ёки bayoz2010@yandex.ru



Навоий орзулар оғушида

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲАЁТ САНАЛАРИ

1441 йил 9 февраль Алишер Навоий Ҳирот шаҳрида Ғиёсиддин Кичкина оиласида дунёга келди.
1447 йил Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо вафот этди, Алишерлар оиласи Ироққа кўчади
Алишер Навоий Тафт шаҳрида машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади.
1451 йил Оила Ҳирот шаҳрига қайтиб келади.
1452 йил Хуросон тахтига Абулқосим Бобур келади. Алишернинг отаси Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинланади. А.Қаюмовда 1453
1453 йил Алишернинг отаси вафот этади. А.Қаюмовда 1457
1457 йил Абулқосим Бобур Мирзо вафот этади. Алишер Машҳадда ўқишни давом эттиради.
1464 йил Навоий Ҳиротга қайтади. Бу пайтда мамлакатни Абу Саид Мирзо бошқарар эди.
1465-1466 йиллар Шоирнинг мухлислари томонидан дастлабки девони тузилади.
1468 йил охири Абу Саид Мирзо жангда ҳалок бўлади.
1469 йил боши Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллайди. Навоий шу йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳридан қайтиб келади ва машҳур «Ҳилолия» қасидасини ёзади.
1469-1472 йиллар Навоий саройда муҳрдор лавозимида фаолият кўрсатади.
1472-1476 йиллар Навоий саройда вазир лавозимида ишлайди. «Бадое ул-бидоя (Бадийлик ибтидоси)» девони тузилади.
1476-1483 йиллар Иккинчи девон — «Наводир ун-нихоя (Нихоясиз нодирликлар)» тузилади.

1481-1482 йиллар «Вақфия» асари ёзилади
1483-1485 йиллар Машхур «Хамса» дostonлари яратилади.
1485 йил «Назм ул-жавоҳир» («Гавҳарлар тизмаси») асари ёзилди.
1487 йил Навоий Астробод шаҳрига ҳоким этиб тайинланади
1488 йил «Тарихи мулуки Аҷам», «Сирож ул-муслимин» («Муслмонлик нури») китоблари ёзилади.
1489 йил Навоий Астробод ҳокимлигидан озод этилиб Ҳиротга қайтади. Навоийнинг дўсти ва устози Саид Ҳасан Ардашер вафот этади. Адиб «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарини ёзади.
1491 йил Алишер Навоийнинг «Рисолаи муаммо» (иккинчи номи «Муфрадот») асари ёзилади.
1492 йил Навоийнинг қадрдон дўсти ва устози Абдурахмон Ҷомий вафот этади.
1492-1994 йиллар «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асари ёзилади.
1493 йил Навоийнинг қадрдон дўсти ва устози Паҳлавон Муҳаммад вафот этади. Адиб «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини ёзади.
1492-1498 йиллар 4 девондан иборат бўлган «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») тузилади.
1495-1496 йиллар «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») ёзилди.
1497 йил Ҳусайн Бойқаронинг невараси Мўмин Мирзо қатл этилади.
1498 йил «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») тазкираси тузилади. «Лисон ут тайр» («Қуш тили») дostonи ёзилади.
1498-1499 йиллар «Муншаот» («Хатлар») тузилади
1500 йил «Маҳбуб ул-қулуб» («Қўнгилларнинг севгани») асарини ёзади.
1501 йил 3 январь Буюк ўзбек адиби Алишер Навоий вафот этади.



Навоийнинг ёшлиги

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

«Ўша тилда ундан кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким шеър айтган ва назм гавҳарларини тизган эмас».

Абдурахмон Жомий

«Алишербек назари йўқ киши эрди, туркий тил бида то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас».

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Огаҳийким, топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.

Огаҳий

«Беш аср давомида ўзбек ва форс-тожик ғазалчилиги тараққиётида Навоий анъаналарининг изи равшан кўринади. Навоий ғазалларига ўхшатма битиш, муҳаммас боғлаш кенг тус олади... Бобурдан тортиб Ҳамзага қадар (ва қисман ундан кейин ҳам) деярли барча ўзбек шоирларининг девонида Навоий ғазалларига ўхшатма ва муҳаммасларни кўриш мумкин... Шу билан бирга озарбайжон, туркман, қозоқ ва бошқа халқларнинг адабиётида Навоий ғазалларига ўхшатма битиш ва муҳаммас боғлаш сезиларли даражададир. Бу ҳам Навоий қудратини ифодалайди».

Н.Маллаев

НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО

«Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожиз турур»

Ҳусайн Бойқаро

«Навоий машҳур «Ҳилолия» қасидасидан бошлаб бутун асарларида Ҳусайн Бойқаро ҳақида сўз юритади, унинг томонидан амалга оширилган муҳим тадбирларни олқишлайди. Бойқаро Навоийнинг таъсири билан қатор илғор сиёсий, маданий тадбирларни ҳаётга татбиқ этади, ўзбек халқининг тарихида прогрессив роль ўйнаган, айти замонда, даврининг кўзга кўринган шоири бўлгандир».

Ҳамид Арасли



Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мактабда

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор
Ким анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса
Ким, ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

* * *



Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳузарида.

* * *


Эрур аҳли ҳунар қошинда ҳунар
Айб ёпмоқ, доғи ҳунар топмоқ.
Ҳунарин элнинг ошкор этмак,
Йўқ эса бари айбини ёпмоқ.

* * *


Назмим ичра ғариб маънилар
Ғурабо хайлидин нишонадур.
Анда ҳар байт неча маъни ила
Байт эмаским, ғарибхонадур.

* * *

Кимки махлуқ хизматиға камар
Чуст этар — яхшироқ ушалса бели.
Қўл қовуштурғунча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эғни, синса али.
Чун хушомад демакни бошласа кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили.



Девонга ишланган расм



Ижод оғушида



Навоий Хиротда

Чу мазкур этиб аҳли дониш ҳир от,
Писанд айламай хотири жуз Ҳирот.

Чу бу лафзга илтифот айлабон,
Ҳамул шаҳр отин Ҳирот айлабон.

Ҳирот ўлди алқоби Искандарий,
Дедилар авом они лекин - Ҳирий.

Чу тўртунч иқлим эди мавқеин,
Бас ўлди қуёш соҳиби толейи.

Кавокибгаким, ети тақсим эрур,
Ҳаҳон мулки ҳам ети иқлим эрур.

Ангаким васат меҳри раҳшон келиб,
Мунга лек мулки Ҳуросон келиб.

Ҳуросон бадандур, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, бадандур Ҳуросон анга.

Ало, токи сипеҳр узра бўлғай меҳр,
Ёруқ меҳр нуридин ўлғай сипеҳр.

Анга бўлмасун меҳр янглиғ завол,
Сипеҳр этмасун халқин ошуфтаҳол.

Лугат

- Ҳуз — бошқа, ўзга
Алқоб — лақаблар, номлар (бирлиги лақаб)
кавокиб — (бирлиги кавкаб), юлдузлар
васат — ўрта, ўрталик
ало — огоҳ бўл, тингла маъносидаги ундов сўз
сипеҳр — осмон, фалак
меҳр — қуёш
ошуфтаҳол — паришон ҳол




Навой дўстлар даврасида



Навий иштирокидаги мушоира

у-7146

17



Чароғон кечада

ХАМСА

«Агарчи Шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз «Хамса»сини машҳур будурким, ўттуз йилда такмил бериб турур. Ва Мир Хисравким, «Хамса» абёти ададин ўттуз мингдин ўн секиз минга ихтисор қилиб турур ва шуҳрати мундоқ турурким, олти-етти йилда тугатиб турур.

Бу фасоҳат майдонининг сафдари ва балоғат бешасининг газанфари бовужуди улким, кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди ва таъъписанд ислоҳлар қилди, бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосигача ҳамоно икки йилдин ўтмади ва айтилгон авқот ҳисобга кирса, деса бўлғайким, олти ойга етмадиким, анинг афсоналари рангинлигин ва абёти сеҳройинлигин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин муталаа қилган киши билғай ва мулоҳаза қилгон киши фаҳм қилғай».

Ҳусайн Бойқаро

“Достоннинг бизга маълум бўлган энг биринчи ёзувчиси X асрнинг машҳур форс шоирларидан Абулқосим Ҳасан Фирдавсийдир. Фирдавсийнинг қадим Эрон достонларини билғувчи бир киши бўлуб шул қадим достонлардан фойдаланиб, ўзининг машҳур “Шоҳнома” сини ёзгани маълум. Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома”сида “Хусраву Ширин” достони учун айрим бир ўрин берадир.


...Низомийнинг бу асариға “Хусраву Ширин” исмини бериши асардағи бош қаҳрамоннинг Хусрав билан Ширин бўлганлари учундир. Бу асарда Фарҳодға берилган рўл оздир, иккинчи даражададир.

...Амир Хусрави Деҳлавий ўзининг “Хусраву Ширин” достонини Низомий каби бошлаб шу каби битирадир.

...Навоий Низомий билан Хусрав Деҳлавийнинг “Хусраву Ширин” достонлариға ўхшатмай ёзмоқ истагинда бошлаб, мазкур асарни танқид кўзидан кечирди ва достоннинг удар томонидан қабул қилинган шаклига рози бўлмади”

Абулқосим Фитрат

ХАМСА




*Солиб кўнғлума сўз демак ниятин,
Кийиб эғнима доғи сўз қисватин.*

*Суханварлиғ асбобини соз этиб,
Дури назм сочмоғлиғ оғоз этиб.*

*Тузай назм мулкида шоҳона базм,
Ҳамул базм сори қилай ёна азм.*

*Билик тахти узра чиқиб ўлтурурай,
Хаёл элчисин ҳар тараф чоптурурай.*




Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати. Ҳайрут ул-аброр.



پروانه فاشه تے لکھایم دناغ ایلاقان دور
 سحر اوتی وغم یارہ سیدین انکی شان دور
 رخسانہ ابرو راوا کہ لکھایم سکند اعیان دور
 رختہ نالار رانطہ لکھایم کل

От устидаги Ширинни кўтарган Фарҳод



Мажнун Лайли ҳузурнда



“Садди Искандарий” га ишланган сурат

هر بهر تو شلار علا لا قیلد مار کانی میک جانخشن و قطو مک پسند هم سلیمان ز میدان تاجان قبول	به اطراف نرسد اتو قایلد مار اکیسی جان کونکولکا پود من هم رسول ایکنان پسخی اندان رسول
--	---



خد متی دا قرب حاصل ایلا کان امری پسر له انجه وادی قطع آپ قاید اعزم اینه سلیمان بین دلیل حزنی اولوپه ایلا کان سپازیتق ایتسا با طعیتس جالیدن خبر یاریدیس کیس میکوروب پغام انکا	یولید قطع من زل ایلا کان کیم بسی عایله منارل غه تپ مصطفی غه اول صفت کیم جبریل عیسی اقلیان عیان نمران لیق یسین لوب شهر پساغه راهبر اضطراب اچره پرپ آرام انکا
--	---

“Лисон ут-тайр” га ишланган сурат ва асар матнидан намуна

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

(1141 – 1217)

*Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.*

*Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
"Хамса" дема, балки дегил панж ганж.*


Алишер Навоий

*Қозонтег қайнаб уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум.*

Қутб Хоразмий

*Менким пишурдум бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.*

Хайдар Хоразмий



Ҳикматлар

Олдин билиб олиб кейин сўзлагил,
Олтин топиб, сўнгра харжин кўзлагил.

Эгрилик келтирар бошга ғам-алам,
Тўғрилиқ-чи, барча ғамларга барҳам.

Ўзгалар айбига зийрак назар сол,
Ўз айбинг кўргандек ундан ибрат ол.

Агар сув топ-тоза, бўлса ҳам зилол,
Кўп ичилса ул ҳам меъдага малол.

Одамга аралаш, бўлсанг гар одам,
Одамлар ичрадир мўътабар одам.

Кимки ўрганишни уят, ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.

Ёшлиқдир-ку асли дадилликка тож,
Гоҳида иш кекса ақлига мухтож.

Нолойиқ сўз зоҳир этса нодон тил,
Унга сукунатни жавоб айлагил.

Эшитганинг ювиб ташла сув мисол,
Фақат кўрганингдан де кўзгу мисол.

Дунёда ечилар ҳар қандай тугун,
Фақат бирдан эмас, оҳиста, секин.

Аждодлар боғу роғ экиб кетишди,
Мевасига янги авлод етишди.

Ҳеч ким демайди, жоним,
Аччиқ менинг айроним.

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (1253 1325)

Унинг ҳамма достонлари табиий ва моҳирона ёзилган.

Абдурахмон Жомий


«Лақаби Яминуддиндур. Отаси Лочин қабиласининг улуғларидан эрмиш».

Алишер Навоий



«Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп меър қолдирмаган. У форсийдан ташқари урду, ҳинд ва араб тилларида ҳам асарлар ёзган».

Бадруззамон Хуросоний




«Амир Хусрав ўзининг рисолаларидан бирида ёзганки, менинг шеърларим беш юз мингдан камроқ, тўрт юз мингдан ортиқроқдир».

Давлатшоҳ Самарқандий.

Абдурахмон Жомий адибнинг тўқсон тўққизта китоб ёзганлигини қайд этади.

Хусрав Деҳлавий асарлари ўзбек тилига Огаҳий, Васфий, Чустий, Ш.Шомухамедов, Ж.Камол, Н.Муҳаммад, Ж.Сувонкуловлар томонидан таржима қилинган.



Хусрав Деҳлавий мақбараси

ШОИРНИНГ ДЕВОНЛАРИ

«Тухфат ус-сиғар»
(«Ёшлик тухфаси»).

«Васат ул-ҳаёт»
(«Умр ўртаси»)

«Қувват ул-камол»
(«Камолот қуввати»)

«Бақияйи нақия»
(«Бетоблик қолдиғи»)

ҲИКМАТЛАР

Кимда йўқ одамлиғи, дема уни асло киши,
Ҳиди бўлмас уднинг ўтунлуқдир иши.

Ким жафо кўрса шоҳ наздида айтар,
Агар шоҳи — жафочи, уни ким қайтарар.


Ёш новда мевани пайдарпай берар,
Кекса шоҳ мевасин айт-чи ким терар.

Бошини кўтармаса уйқудан деҳқон,
Чумчуқ ихитёри бўлар бор хирмон.


Ким ари ишига қилолмас тоқат,
Асални кўради узоқдан фақат.

Бу кенг олам дўсту ёрон билан хуш,
Боғу бўстон гулу райхон билан хуш.

دمی ایرما پس که علینکین کو کمول نورست قان ایرماس
 داعی سرست قان بایشیم بیکه کور دین ان ایرماس
 میسی اولتور کالی عمرک اوقی عمری وورور کین
 ترک علینک خیالی پرلیمین چسید جان ایرماس
 کجه گنجین وطن املاب تو یوتور عمریدین محبتون
 فی بولیه من کپی یوازه چان مان ایرماس
 نوالی اولدی کر پروانه کویدی بل اوکچتسی
 بولار کرخشید و رلا عشق اول سم مایان ایرماس



Тоҷу тахтни гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида



23. Ҳафт ӯшшун шайхонлари Ғафари, Саиди, Насири

1. Ҳасан Аҳмадӣ
2. Аҳмад Насири

3. Абдурраҳмон Ҳасанӣ
4. Насири Ғафари

5. Хуррош Аҳмадӣ
6. Шайх Саидӣ

7. Абдурраҳмон Ғафари
8. Саидӣ

9. Саидӣ
10. Хасанӣ

دایم لکھا ہوں ہم ارے غم ایدی
 غم کی کہ ماتم اوز ماتم ایدی
 کوکلی بوشتین بولوب از اریق
 باشلادی دراج نایا اریق



دیدی کہ مندین سکا یوق قصد
 ایس اول ربیل می دانی بین
 و ہم لی قوی مسمدم و ہم از اول
 عیش و طرب دینی نواسیم

Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ
 Ким, андин яхши йўқ назм эҳгимоли.
 Бири муъжиз баёнлиғ соҳири ҳинд
 Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
 Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
 Фано дайрида масту лоуболи.
 Бири қудси асарлик орифи Жом
 Ки, жоми Жамдурур синған сафоли.
 Навоий назмиға боқсанг, эмастур
 Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
 Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
 Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.



ШАМСУДДИН МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

Шероз шаҳрининг Мусалло маҳалласида дунёга келган. Унинг отаси ва боболари ҳунармандчилик ва савдогарлик билан шуғулланишган.

Аммо отасининг вафотидан сўнг ёш Шамсуддин нонвойга ёрдамчи бўлиб ишлайди. Айни пайтда мактаб ва мадрасаларда сабоқ олишни ҳам уддалайди. Айтишларича, у топган пулини уч қисмга бўлиб: ўзи ва онасининг таъминотига, ўқиш учун талаб этиладиган харажатларга, бева-бечораларни қўллаб-қуватлашга сарфлар экан.

Кейинчалик у мударрислик билан шуғулланган. Шоирдан биргина куллийёт мерос қолган. У ҳам шоир вафатидан кейин(1423) тузилган. Шеърларида риндона оҳанглар устуворлик қилади. Дўст, Ёр, Маъшуқа, Маҳбуба образлари унинг шеъриятидаги асосий таянч нуқталаридир. Соқий, пири муъон, муғанний, муғбача, пири харобот, пири майкада, дарвеш, гадо, маст ва ринд образлари шоир ғазалларининг етакчи образлар тизимини ташкил этади. У рубоий, қитъа, мсनावий, таржебандлар ёзган бўлса-да, айниқса ғазалчилик билан катта шуҳрат қозонган.

НУРИДДИН АБДУРАҲМОН ИБН АҲМАД ЖОМИЙ (1414 – 1492)

Абдурахмон Жомий форс-тожик адабиётида жуда катта мавқега эга. У нақшбандийлик тариқатининг ҳам йирик вакиллари билан бирдир. Аввал Ҳиротда, кейинроқ Самарқандда таълим олади. Жомий Хўжа Аҳрори Валий билан ҳам маслакдош бўлган. Саъдиддин Кошғарий унинг пири бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг кўплаб авлодлари ўзларини Жомийнинг муридлари деб билишган. Абдурахмон Жомий форс-тожик, туркий ва араб тилларини пухта билган. У қомусий олим сифатида ҳам эътироф этилган.



Жомий (П. Пантюхин асари, 1968).

Жомий асарларини ўзбек тилига *Ғ.Ғулом, Ш.Шомухамедов, Васфий, Чустий, Ҳабибий, Улфат, Боқир, Анисий, О.Бўриев, Жамол Камол, Эргаш Очилов* ва бошқалар таржима қилишган.

Девонлари: «*Фотиҳат уш-шабоб*» («Ёшликнинг бошланиши»), «*Воситат ул-иқд*» («Ўртадаги дур»), «*Нафаҳот ул-унс*» («Азизлар нафаси»)

Абдурахмон Жомий Хўжа Аҳрорнинг таклифи билан Тошкентда ҳам бўлган.

«Шогирдлик ва устозлик тарзида бошланган Навоий ва Жомий дўстлиги Алишер устоз ёзувчи ва давлат арбоби бўлиб танилган даврда сиёсий ва адабий ҳамкорликка айланади»

Ҳаким Ҳомидий

Ажралмас дўстлигимиз тимсоли бўла олур
Навоий ва Жомийнинг туғма биродарлиги.
Қондошлик, қариндошлик аср, асрлар қолур,
Халқларнинг жудоликни билмас
дўстпарварлиги.

Ғафур Ғулом



Навоий ва Жомий

ҲАФТ АВРАНГ

Силсилат
уз-заҳаб

Туҳфат
ул-аҳрор

Сибҳат
ул-аброр

Юсуф ва
Зулайхо

Лайли ва
Мажнун

Саломон
ва Абсол

Хирадномайи
Искандарий

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лоф урса, одамдан йироқ,
Мевали дарахтнинг мевасиз шохи
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ.

* * *

Энг севимли афсонадир ишқ,
Энг ёқимли таронадир ишқ.

* * *

Қаноатли яшар осуда,
Очқўз азоб чекар беҳуда.

* * *

Ибрат учун ўтганларни ёд айла,
Ўтганлар ёдидан дилни шод айла.

* * *

Мевасиз шох осмонга тармашур,
Мевали шох бўлса ерга энгашур.

* * *

Агар ифлос бўлса ариқдаги сув,
Кийим тоза бўлмас - уни юз бор юв.

* * *

Сўзингни безатмоқ бўлса гар тилак,
Ростликдир сўзингга энг яхши безак.

* * *

Одамнинг қиймати эмас сийму зар,
Одамнинг қиймати билим ҳам ҳунар.

* * *

Дунёда китобдан-да азиз ёр йўқдир,
Ғамхона замонда чин мададкор йўқдир.
Қолганда киши танҳо китоб-ла доим,
Юз роҳат етару сира озор йўқдир.

НАВОИЙ – УСТОЗ ВА МУРАББИЙ

«Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситони хисравнишони,
Дема хисравнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг соҳибқирони
Ҳусайн Бойқаро

«Ул ҳазратнинг муборак тилларида
болалик чорларидаёқ ажойиб сўзлар
жараён топардики, эшитувчилар
ҳайрат денгизига чўмардилар».

Хондамир

Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро
йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи
ҳомийдур манга.

Мунис

«Навоий ёлғиз шоир, ёзғучи эмас,
илм ва санъат ходимидир. Кўп муҳим китоблар унинг буйруғи,
ташвиқоти билан ёзилган. Энг катта рассомлар, мусиқа олимлари,
хаттотлар унинг ҳимоясида ўсдилар».

Абдурауф Фитрат

«Ҳусайн Воиз Кошифий, Сайфиддин Аҳмад Тафтазоний, Фасиҳиддин
Низомий ва бошқалар ўзларининг айрим асарларини Навоийга атаб
ёзганлар»

А.Қаюмов.



Навоий ва Беҳзод

«Навоий яратган «Хамса» фақат ўзбек адабиётининг эмас, балки бутун Шарқ адабиётининг ҳам беазаги бўлиб қолди».

Олим Шарафиддинов.

Навоий ҳақиқатан ҳам ўзбек адабий тилининг ва ўзбек адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйган, доҳий-адиб хусусиятларини ўзида жамлаб олган бир сиймо эди. Форс-тожик классик адабиётида бир



гуруҳ улуғ шоирлар бажариб кетган вазифани тарих деярли якка Навоий зиммасига юклади. У бу юкни шараф билан кўтариб, манзилгача етказган мутафаккир эди.

Мақсуд Шайхмұлда

«Навоийнинг асарлари тил учун жуда бой бир хазинадир. Уларни ёлғиз тил нуқтайи назаридан текшириш, улардаги сўзларни йиғиб изоҳ қилишнинг ўзи жуда катта илмий хизмат бўлар эди».

Абдурауф Фитрат

«Шарқ адабиётида Бобосултон Навоий, Мулло Шамсиддин Муҳаммад Навоий, Мир Муҳаммад Шариф Навоий, Бақоий-Навсий каби Навоийлар ўтган, бироқ ҳар қайсиси ўзича Навоий бўлган ва бирортаси ҳам Алишер Навоий бўлолмаган»

Воҳид Абдуллаев

НАВОИЙШУНОС ОЛИМЛАР

Ҳамид СУЛАЙМОН:



Шоир ва олим, жамоат ва давлат арбоби бўлмиш Алишер Навоий том маънодаги инсонпарвар, халқчил шоир, ўз халқи тақдирини умуминсоният, бошқа халқлар тақдири билан боғлаган адиб эди. Шунинг учун ҳам шоир асарларининг қаҳрамонлари турли миллат, ирқ вакиллари — ўзбек, тожик, эрон, арман, юнон, араб, ҳинд, негр, хитой халқларининг вакилларидир.

Натан МАЛЛАЕВ:

Алишер Навоий жаҳон адабиётининг улуғ намояндаларидан биридир. У бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро феодал урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади.



Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ:

«Алишер Навоий ўз ичига беш дostonни олган «Хамса»ни яратиш билан фақат ўзбек адабиёти тарихида эмас, балки бутун Шарқ адабиёти тарихида Низомий Ганжавий сингари жуда катта вазифани амалга оширган, унда ўз даврининг барча муҳим фалсафий, ижтимоий-сиёсий, маданий масалаларни кўтариб чиққан ва туркий тилда ҳам улуғ адабий асарлар яратиш мумкинлигини буюк қобилият билан исбот қилган эди».



Содир ЭРКИНОВ:



Шеърят гўзал тафаккур намойишидир. Одатда бундай тафаккур фақат туғма истеъдод эгаларигагина насиб бўлади, дейишади. Шунинг учун бўлса керак, халқимиз у ёки бу ижодкор ҳақида фикр юритмоқчи бўлса, фақатгина унинг нималар ҳақида ёзишигагина қизиқиб қолмайди; қай дид, қандай поэтик савод ва қайси даражада шаклланган (такомил топган) бадиий савия билан қалам тебратишига ҳам жиддий эътибор беради. Ана шу нуқтаи назардан қараганда устод Навоий, шубҳасиз, тенгсиз санъаткордир.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ:

*"Шоҳу тоҷу хилъатеким, мен томошо қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.*



Мисрадаги "Ўзбаким" сўзига эътибор берайлик. Улуғ тилшунос ҳам бўлган Навоийнинг миллатни ифодаловчи сўзга эгалик дахлдорлик қўшимчасини қўшиб, алоҳида маъно-мазмун бахш этувчи урғу ва оҳанг билан ишлатиши асло бежиз бўлмаса керак. Унда шоир бутун эътиқоди, фалсафасини, ўтмиши ва келажагига, авлод-аждоди ва шажарасига аниқ-равшан ишорани, бир сўз билан айтганда, бутун борлигини жойлагандек, "ўз ўзбакига" қалбан ва руҳан чамбарчас боғланганини, ўзини унинг узвий бир қисми, уни эса ўз дунёси, ҳаёти, "ўзлиги" эканини сингдириб юборгандек туюлади.



Азиз ҚАЮМОВ:

"Хамса" дostonларидаги ижобий қаҳрамонлар Фарход, Ширин, Меҳинбону, Қайс, Лайли, Шопур, Навфал, Искандар, Арасту ва бошқалар ижобий ибрат намуналаридир. Улар ўз ҳаёти мазмунини инсонга, халққа хизмат қилишда кўрадилар. Улар энг олижаноб инсоний туйғуларни ўзларида мужассам этганлар Бу қаҳрамонларнинг фаолияти ҳаёт гўзаллиги, инсон қалби покизалигининг ёрқин тимсолидир.

Алибек РУСТАМОВ:

Навоий туркий лаҳжаларни мукаммал ўрганган, араб ва форс тилларини аъло даражада билган ва бу тилларда ёзилган илмий ва адабий китобларни чуқур таҳлил қилиб яхши ўзлаштирган. Шоир тилнинг жуда нозик томонларини яхши англай олган ва унинг тил борасидаги нуктабинлиги ва дақиқбинлиги унинг адабиёт майдонидаги улкан бадий муваффақиятларига асос бўлган. Навоий тилдан тўлиқ ҳамда аниқ фойдаланибгина қолмай, уни ҳар томонлама бойитди ва жуда юксак даражага кўтарди.



Ёқубжон ИСҲОҚОВ:



Навоий лирикасида жанрларнинг хилма-хил ва мукамаллиги, поэтик мазмуннинг кенг ва чуқурлиги, бадий имкониятларнинг ниҳоятда ранг-баранг ва оригиналлигини ҳисобга олганда, бу шеърӣ дурдоналар йиғма девон — "Ҳазойин ул-маонӣ" тимсолида, умуман, туркий поэзиянинг чўққиларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Навоӣ бадий меросининг салмоқли қисмини ташкил этган ва "Ҳазойин ул-маонӣ"га жамланган унинг лирик шеърлари шоир ҳаётлигидаёқ кўпгина Шарқ мамлакатларида кенг шуҳрат қозонди.

Суюма ҒАНИЕВА:

Маълумки, Навоӣ ҳаётининг охирида бирмунча йиллар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 905 (1499-1500) йиллар давомида бир неча марта бевосита ва билвосита — яқинлари орқали Ҳусайн Бойқародан ҳаж сафарига изн сўради. Ҳар гал Султон аввалига ижозат берар, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига таширф буюриб, сафарни қолдиришга кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўстларни орага қўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди.



Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ:

Алишер Навоий туркий адабиётни мисли кўрилмаган янги босқичга кўтарди. Адабиёт ҳар қачонгидан кўра ҳам инсон қалби, руҳи ва тафаккурининг жонли ифодасига айланди. Шеърият миллат ва Ватан равнақи учун ҳақ сўз яловбардори эканлигига халқда кучли ишонч уйғонди. Шу боис қисқа муддатларда Навоий ижодиёти улуз бир маърифат мактаби даражасига кўтарилди. Бу мақом бугун ҳам пастлагани йўқ.

Хусусан, мустақилликдан сўнг Навоий шахси ва ижодиётига муносабат тубдан янгиланди.



Саидбек ҲАСАНОВ:



Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди Амир Темури асос солган Темурийлар давлатининг фан ва маданият, адабиёт ва санъатининг юксалишини таъминлаган тарихий даврга тўғри келди. Ана шу мураккаб маънавий-тарихий жараёнда Алишер Навоий Шарқ ва Ғарб Уйғонии даврининг буюк вакиллари Фирдавсий, Данте, Низомий, Шота Руставелли, Жомий

ва Шекспирлар қаторидан муносиб ўрин олди.

Ўзбек адабиётининг кўзга кўринарли шоирлари ҳар вақт Алишернинг ижодиётидаги яхши традицияларни, улуғ ғояларни, юқори бадий техникани ўзлаштирдилар, илҳом манбаи сифатида унга мурожаат қилдилар.

Муҳаммадсолиҳ, Нишотий, Турди, Ғозий, Мирий, Мунис, Оғаҳий, Комил, Муқимий, Фурқатлар ўзларини Навоийнинг шогирдлари ҳисоблаб, унинг асарларига ўхшатма ёздилар. Муҳаммаслар боғладилар. Услубда, мазмунда Навоийга эргашувни, унинг асарларига ўхшатмалар ёза олишни буюк фахрли иш деб билдилар.

Навоий фақат ўзидан кейинги ўзбек адабиётига эмас, туркман, озарбайжон, усмонли, қозоқ адабиётларининг ўсишига ҳам кучли таъсир қилди. Озарбайжон шоири машҳур Фузулий Навоийни ўзининг устоди деб ҳисоблади, ўз ижодиёти билан Алишерга боғланганини ҳар вақт фахр билан сўзлади.

Олим ШАРОФИДДИНОВ

НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса
Ким, ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

Бордурур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Тенгрики инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Зулмунг эмас эди ҳалойиққа кам,
Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадодур тамаъ этган киши.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Гарчи келмак эрур иродат ила,
Лек кетмак эрур ижозат ила.

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила.

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Мурувват барча бермақдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмақдур, демак йўқ.

Холиқ ўлғон сахийдин элга бўлди икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учуни тутса, бўлур ғариқ.

Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму.

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кунглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳраи ондин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга,
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон, бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

50 Керак ўз чобуки қотилваши Мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунга каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Меня не удостоит тот, с кем жду я множества бесед,
Кто хочет говорить со мной, к тому во мне приязни нет.

Что мне за польза от того, кто пользу отыскал во мне,
Коль тот, в ком пользы я ищу, тот бесполезен мне в ответ?

Что гурии и пери мне, коль мне на смерть или на жизнь
Те явно слез не изъявят, те — скрыто не хохочут вслед?

И месяц с солнцем не нужны, тогда красе их форм не смочь
Серпом изрезать душу мне, и спрясть мне тело на скелет.

Мне нужен всадник на коне, душой Маджнун с лицом убийцы,
Кто бы извечно оставлял в руинах сердца пыльный след.

Сорви же сердце — плод небес, но не вкушай же мысли лживой,
Что для тебя готовит смерть петлю и сеть прочней тенет.

И если вспыхнет вдруг луна, о, Навои, дабы не сглазить,
Сгори в любви как рута ты, как зерна, что скрывают свет.

*Рус тилига ХИСМАЙЛОВ
таржима қилган*

З ким я хочу розмовляти, той на мене не зважає,
Хто ж мене готовий слухать, тих бо серце зневажає.

Що візьму собі від того, хто моєї прагне мови,
Або що йому від мене, хто мене й не завважає.

Що ж це: жити чи вмирати на банкеті пері й гурій¹,
Жодна нишком не всміхнеться, вбивчим зором не вражає.

Сонцесяйних всіх не треба, коли хтось в естві моєму
Не сплюндрює все, не скрутить, взяти в бран не забажає.

І коли розбите серце вершник, мов Маджнун², розтопче,
Хай ніхто тому шаленцю гарцювать не заважає.

Тя облудній долі серце не давай в полон забрати:
Лиш аркан їй до вподоби, інша смерть не розважає.

Як відкриє ж місяць вид свій, Навої — щоб не зурочить —
Зіллям вірності обкрутить — іншого не поважає.

*Україн тилига Г.И. Халименко
таржима қилған*

¹ Гу р і ї – прекрасні райські дівчата, які за Кораном повинні вітати мешканців раю.

² М а д ж н у н – (бука, «той, у кого вселився джинн», тобто божевільний. Герой арабської романтичної повісті Маджнун через нещасливе кохання до Лейли збожеволів і помер від туги в пустелі.

Сұхбатына мен құштар жан жакын тартып көрген емес,
Лебізіме зар болғанға көңілім пейіл берген емес.

Менен ләззат алғысы кеп емігеннен не табамын.
Менің қолқа салғандарым дегеніме көнген емес.

Пері менен хордың қызы думандатсын қызығы не,
Бірі тастап көз қиығын, бірі қасын керген емес.

Сонша сұлу көрінгенмен ай мен күннен қайыр қанша,
Тұла бойды сөгілдіріп, өрт боп ішке енген емес.

Ажал құшсам армансызбын есі кете сүйген жаннан,
Жараланған жалқы жүрек сиқыр сөзге сенген емес.

Түсіп қалма сайқал дүние арбауына абайсызда,
Мойынына бір салса тұзақ, өзіңнен көр елден емес.

Айдай ару алау жүзін ашса, Науаи сұқтан қорғап,
Махаббатын тұтандырса ешбір пәле келген емес!

*Қозоқ тилига Насипбек Айтөв
таржима қилған*

Мәни көңлүм севән өз көңлүнә бир әрчүмәнд етмәз,
Мәни истәр кишинин мейрини көңлүм пәсәнд етмәз.

Нә бәһрә бәкләрәм ондан, ки, мәндән бәкләјәри бәһрә,
Чүн ол ким бәһрәни ондан диләрмән, бәһрәмәнд етмәз.

Мәним ганым кедәр бәлкә... гучаг ачса пәри бәзми,
Зәһәрли, фитнә кезләрдән бу көңлүм нушхәнд етмәз.

Кәрәкмәз ај илә күн шәкли ки, һүснү малаһәтдән
Ичим ај чак-чак етмәз, тәним күн бәнд-бәнд етмәз.

52

Чәсур Мәчнун шүарымдыр, кечәр башдан, чыхар дашдан,
Учуг көңлүмдән өзкә сәмтә чөвлани-сәмәнд етмәз.

Әлин үз чәрхи-залимдән, јаланлар зәһрини ичмә
Әчәл сәрриштәсиндән бојнуна өзкә кәмәнд етмәз.

О ај үзлүм чәмал ачса, Нәваи, дәјмәсин јад көз,
Мәһәббәт тохму уммагда... о, һәр сәнки сапанд етмәз.

*Озарбайжон тилига
Халил Ризо Улутурк таржима қилган*

Мен көңүлгө туткан а дам мени өзүнә барк кылбас,
мени әнсеген башка адамды менин көңлүм жактырбас.

Менден пайда күткөндөн мен эч береке тапшасмын,
а мен үмүт эткен адам менден кайдан нап тапсын.

Ичтен сүйүп мээр салбаса, эрмек үчүн эрте-кеч,
ур, перилер шоогуна түк менин бутум шилтенбес.

Сыр болбосо сыпатында сымап сыңдуу кармалбас,
ажарына ал сулуунун менин көңлүм арбалбас.

Махабаттын мажнуну окшоп калп сустайган мерес кыз,
зар көңлүмдөн башка жерде ойсоктошу керексиз.

Азгырык көп бу дүйнөдө, жоктур адам алданбас,
ажал бизге сыйыртмактан башка нерсе камдабас.

Ачса сулуу айдай жүзүн, тийбесин деп суук көз,
Наваи ага сүйүү оттон башка отту эп көрбөс.

*Қирғиз тилига Суярқул Турғунбоев
таржима қилган*

Маро, онро, ки мехоҳам надорад арчманд, асло,
Надорад суҳбатамро он, ки мехоҳам, писанд асло.

Надидам баҳрае 3-он, ки ҳамехоҳад зи ман баҳра,
Вале аз он, ки мехоҳам, нагаштам баҳраманд, асло.

Чи суд аз базми ҳуруну пари дар буду набудам,
Накарда заррае кам захрханду пешханд, асло.

Чи суд аз сурати шамсу қамар, чун ҳусни онсурат,
Накарда чок қалбамрову танро банд-банд, асло.

53

Ба чуз чавлон он қотилваши чобуксавори ман,
Нагардад дар дили вайронаам дигар саманд, асло.

Дило, эмин машав аз макри ин гардуни пир, к-охир,
Раҳой набвад аз сарриштаи марги каманд, асло.

*Тоҷик тилига Назри Яздоний
таржима қилган*

Мениң күйсәним-ә мени сөхбетине хевент этмез,
Күйсәниң сөхбетин болса, мениң көңлүм писинт этмез.

Ничикси тарапың бәхре, меңден бәхре тамакинден?!
Мениң бәхре гарашяным мен гулы бәхремент этмез.

Нәдейин хүйр-пери безмин өлмүм я дирлигим үчин
Бир-ә гөзден зәхрин сачып, бирем нәзинден гант этмез.

Герекмез ай, гүнүң шекли, чүнки гөрки, нуры билен
Ол-а этмез ичим чәк-чәк, бу-да теним бент-бент этмез .

Герек ышкым аклын алан мениң желлат сыпат атлым,
Ол бозук көңлүмден өзге ери атына кент этмез.

Әгә бол залым пелегин алындан, чүнки ол ахыр
Ажал серишдесинден гайры бойнуңа кемент атмаз.

Ол ай отлы йүзүн ачса, Новайы, дегмесин дийип гөз,
Сөйги тохумындан өзге ол от үсте үсбент сепмез!

*Туркман тилига Назар Гуллаев
таржима қилган*

Мин теләгән кеше мине үзенә һич дус итмәс,
Мине теләгән кешене күнелем бер дә хуш итмәс.

Нинди файда табым аннан, ул үзе көтә файда,
Миңа файда бирердәе, бәлки, мине буш итмәс.

Нигә миңа хур кызлары, үлсәм дә, яшәсәм дә
Серле елмаюларын ул жан өчен табыш итмәс.

Кирәкмәс ай һәм кояшның балкуы, тик бу караш
Телгәли жанны, башкасы сөенә ярыш итмәс.

Мин омтылган ул гузәл зат әжәл биеке белән
Таптаса да йөрәгемне, дөньяны авыш итмәс.

Ахыр чиктә муенга Күк үлем элмәген ташлар,
Синен гыйшык дәртенә ул башкача һич фаш итмәс.

Айдай йөзен ачса иркәм, Нәвои, күз тимәсен —
Мәхәббәт ялкынын бөркеп, ул аны кояш итмәс.

*Татар тилига Ркаил Зейдулла
таржима қилган*

Эп килештернә сын сәс йыхарса мана куш ыватмасть,
Кәмәл туртман әтемпә каласмашкән пөртте чун ыртмасть.

Кам сәптәрасшән услам, эп кураймәп унран пайтине,
Хәшә кәтни, чун усси — манпалан юнашар, кур, утмасть.

Ёскә те усәсәр — виләм е чөрлөх кәтни кәләхах:
Гури мана тухатмасть, чее пери те кәчәк туртмасть.

Селәм тухатмәш үте вәтәрсә, вакласа касмасан,
Пери асамәсәр пурнәс илемә нимә те тәмасть.

Шеп юланутсә халь виләм мөлкиллә хаяр савәшпа
Ман чәрене сәс таптатәр — тек нимән те чунәм ыйтмасть.

Сәл кәкәртан чөрүне, ан ёнен сұл тупе ултавне,
Пурпәр шәпа виләм ярә — вәл урәх йәлмак ыватмасть.

Уйәх хәлхемлә питне кәтартсан, Нәвои, куәхран
Әс юрату вәрләхне тәтәрсем — урәхла юрамасть.

*Чуваш тилига Василий Эктел
таржима қилган*

Бәзимини хуп әйледим, ол рәуа көрген емес,
Сухбатымды истер жаннан, көңлим мана сезген емес.

Не берекет табарман мен, ол не ләззет алғай меннен,
Себеп тәнха тилегеним тилегимди берген емес.

Бийпарұадур ол хур-пери өлимиме, өмириме,
Ҳасла оның той-бәзими жаманлыққа дөнген емес.

Ай хәм кунниң сонша хусни неге керак билсең, маған,
Аның шуғлалы нурынан сийнеме от енген емес.

5 Дәркар өз ышқыш қардары, Мәжнун көңлимнин сәрдары,
Ашық қалбимниң қуяшы ертели-кеш сөнген емес.

Шарқы пәлек бул дуньяның байқап көрсем иши-тысын,
Дузақ қурмақтан ибарат олсыз әжел келген емес.

Ашса арыў айдай жузин кезикпесин деп Наўайы,
Өртенер ышқы отына өзге даўа билген емес.

*Қорақалпоқ тилига Шарапатдин Аяпов
таржима қылған*

Меним истеген адамым лафымны ич макъбул этмез,
Мени истеген адамның лафын гоньлюм къабул этмез.

Насыл файда тапсам мен ондан, кимдир истей менден файда,
Мен файда арасам ондан оны бу ал макъул этмез.

Не япайым бойле ерде, бойле бал ве къонушмада,
Бири козь зезрин сакълай, дигери кулип къул этмез.

Керекмей ай ве куннингъ шеكلي, озь дюльберлигинен о,
Ичимни тилим-тилим ве тенимни парча-чул этмез.

Манъа керек джамбаз атлым севгиси къатильни енъип,
Ат ойнатса башкъа ерде бозукъ гоньлюм къайыл этмез.

Къуртар кенди юрегингъни алам алдав-охшавындан,
Олюм ильмегинден бапкъа бойнунъ онъа бир пул этмез.

О ай нурлу юзюн ачса, Навоий, тиймесин деп козь,
Севги урлугъындан башкъа тютев сачмаз, о куль этмез.

*Қримтатар тилига Черкез Али
таржима қылған*

Таптыыр киһим миэхэ анаан биир тылы этиэн баҕарбат,
Таптаабат киһим сан`атын кулгааҕым истиэн баҕарбат.

Миигин туһана сатааччы — миэхэ тугу туһалыаҕай?!
Туһалыа диэччим көрдөһөр аатталбын сэргизэн баҕарбат.

Өлүүм-тиллиим — сир, халлаан да кэрэлэрэ кыһамматтар:
Биирэ кистээн мүчүк гыммат, иккиһэ билиэн баҕарбат.

Ый толбонноох, күн килбиэннээх аптарыгар ылларыммым —
Сүрэхпин ыйа сырдатан, күнэ иттиэн баҕарбат.

5

Иирбит курдук имэн-нээхтик таптааччыга нарын дууһам
Илдьи барбыт сүрэхпиттэн атыны тэпсиэн баҕарбат.

Дьылҕаттан сэрэн — моонньугар имэн` быатын ыга баайан
Тумнары тууһаат, атыннык тапталын изэтиэн баҕарбат.

Аралыйар сирэйдээҕэ туналыа түстэр эрэ —
Атыны имэн уотунан Навои сизтиэн баҕарбат.

*Саха (ёкут) тилига Семен Руфов
таржима қилган*

مىنى مەن ئىستەگەن ئۆز سۆھبەتىگە نەرجومەند ئەتەس.
مىنى ئىستەركىشىڭ سۆھبەتنى كۆنگلۈم پىسەند ئەتەس.

نەبەھرە تاپقاهەن ئاندىكى، مەندىن ئىستەگەي بەھرە،
چونولكىم، بەھرەئى ئاندىن تېلەرەن، بەھرەمەند ئەتەس

ئېتەي ھۆرۈپەرى بەزمىتىكى قەتلىم ياكى ياتىمغە،
ئەيان ئول زەھرى چەشم ئەيلەپ، نېھان، بونوشخەند ئەتەس.

كېرەكمەس ئاي ئېلەكون شەكلىكم، ھوستومەلاھەتدىن،
ئىچىم ئول چاك-چاك ئەتەس، تەنىم بويەندەبەند ئەتەس

كېرەك ئۆزچابوكى قاتىلوھشى مەجنون شىئارىكم،
بوزوغ كۆنگلۈمدىن ئۆزگە يەردە جەولانى سەمەند ئەتەس

كۆنگول ئۆزچەرخ زالىدىن، فېرىيىن يەكەم، ئاخىر،
ئەجەل سەررشتەسىدىن ئۆزگە بوينۇنگەكەمەند ئەتەس.

ئول ئاي ئوتلوغ يۈزىن ئاجسا، ئەوايى، تەكمەسون دەپكۆز،
مۇھەببەت توخىدىن ئۆزگە ئول ئوت ئۆزەسپەند ئەتەس

*Уйғур тилига Эмин Турсун
таржима қилган*


НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДАГИ АСАРЛАР

1. Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: 2008.
2. Алишер Навоий. Бадеуъ ул-бидоя — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Биринчи том, Тошкент, Фан, 1987.
3. Алишер Навоий. Наводи рун-ниҳоя — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Иккинчи том., Тошкент, Фан, 1987.
4. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. Фаройиб ус-сиғар — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Учинчи том, Тошкент, Фан, 1988.
5. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. Наводир уш-шабоб — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Тўртинчи том, Тошкент, Фан, 1989.
6. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. Бадоеъ ул-васат — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Бешинчи том., Тошкент, Фан, 1990.
7. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. Фавойид ул-кибар — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Олтинчи том., Тошкент, Фан, 1990.
8. Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Еттинчи том, Тошкент, Фан, 1991.
9. Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Саккизинчи том, Тошкент, Фан, 1991.
10. Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Тўққизинчи том, Тошкент, Фан, 1992.
11. Алишер Навоий. Хамса. Сабъайи сайёр. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўнинчи том, Тошкент, Фан, 1992.
12. Алишер Навоий. Хамса. Садди Искандарий. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн биринчи том, Тошкент, Фан, 1993.
13. Алишер Навоий. Маҷолис ун-нафоис.- — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн учинчи том., Тошкент, Фан, 1997.
14. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.- — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн тўртинчи том., Тошкент, Фан, 1998.
15. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир.— Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн бешинчи том., Тошкент, Фан, 1999.
16. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Аҷам. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолайи тийр андохтан. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн олтинчи том, Тошкент, Фан, 2000.

17. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн еттинчи том, Тошкент, Фан, 2001.
18. Алишер Навоий. Девони Ҷоний. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн саккизинчи том. Тошкент, Фан, 2002.
19. Алишер Навоий. Девони Ҷоний (давоми) — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн тўққизинчи том. Тошкент, Фан, 2002.
20. Алишер Навоий. Девони Ҷоний (давоми). Қасидалар. Муфрадот. Ҷавоблар. — Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Йигирманчи том. Тошкент, Фан, 2003.
2. Алишер Навоий. Шоҳбайтлар. Биринчи китоб, Тўловчи, насрий баён сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққул. - Тошкент, Фан, 2007.
3. Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. «Ал-Бодо» халқаро нашриёти, Тошкент, «Мавороуннаҳр» нашриёти, 2005.
4. Муҳиддинов М. Икки олам ёдуси. Тошкент, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
25. Набиев Ф. Природа и поэтика Алишера Навои.- Ташкент, Фан, 2008
26. Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами). — Тошкент, Фан, 2001.
27. Серикова Л.Н. Малые формы лирики Алишера Навои. —Ташкент, Фан, 1981.
28. Олим. С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. — Тошкент, Фан, 1992.
29. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. — Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
30. Қаюмов А. Нодир саҳифалар (Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида). — Тошкент, Фан, 1991.
- Қаюмов А.П. Ишқ водийси чечаклари, —Т.: 1985.
- Қаюмов А.П. Садди Искандарий, —Т.: 1975.
- Қаюмов А.П. Алишер Навоий, —Т.: 1976, 1991.
- Қаюмов А.П. Ҳайрат ул-аброр, —Т.: 1977.
- Қаюмов А.П. «Фарҳод ва Ширин» сирлари, —Т.: 1979.
- Қаюмов А.П. «Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд» —Т.:1993.
- «Лайли ва Мажнун», «Етти саёҳатчи», «Навоийнинг «Қуш тили» достони», «Ўзбекликлар ва нодирликлар (Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» ва «Наводир (Бидоия) девонлари тўғрисида)» (2008). Асарлар: «Ҳамса» сарлавҳалари», «Бадоеъ ул-васат», «Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли» (2009)
31. Ҳайитметов А. «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» (1969), «Навоий лирикаси» (1961), «Навоийнинг ижодий методи» (1963), «Навоий даҳоси» (1970), «Ҳаётбахш чашма» (1974), «Навоийхонлик бағллари» (1993),

32. Темурийлар даври ўзбек адабиёти, Тошкент, Фан, 1996.
33. «Адабий меросимиз уфқлари» , Тошкент, (1997)
34. Абдуғафуров А. «Навоий сатираси» 1-жилд (1966), «Навоий ижодида сатира» 2-жилд (1972), «Буюк бешлик сабоқлари» (1995).
35. Ғаниева С. "Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола" (1968)
36. Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи С.Ғаниева. — Тошкент, Фан, 1991.
37. Исҳоқов Ё. «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» (1965), «Навоий поэтикаси», «Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти» (2002), «Сўз санъати сўзлиги» (2006)
38. Рустамов А. «Навоийнинг бадий маҳорати» (1979), «Навоий тилининг грамматик хусусиятлари» (1984), «Сўз хусусида сўз» (1987), Ҳусайн Бойқаро (1991), «Алишер Навоий. Арбаъин» (1991) «Адиблар одобидан адаблар» (2003)
39. Ҳаққулов И. Шеърят — руҳий муносабат (1989). "Камол эт касбким" (1991), "Ким нимага таянади?" (2006), "Эътиқод ва ижод" (2007)
40. Қодиров П. Тил ва эл. — Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
41. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. — Т.: Янги аср авлоди, 2008.
42. Хасанов С. "Роман о Бахrame" (1988), "Алишер Навоий. Арбаъин" (1991)
43. Маллаев Н. «Гениал шоир ва мутафаккир» (1968),. «Навоий ижодиётининг халқчил негизи» (1973), «Алишер Навоий. Лирика». 1992

Алишер Навоийнинг ёзган асарлари





وصال ایچو می میش اوله قییمک بجا کو پاشم
شوق کون می سلا می جام اگر کو رسنگ و پش
خدا ایستگم کما در بین نه با غلغله میخ ناهمسن

که جام وصل ایلا خنا به نجس افه ایرود مروج
که صافد و صبح بستره لایردی عریان ایرود مروج
بایز چاک اوله لایقان بو سه خاسان ایرود مروج

ی اعلینک ایرود جان بستره مروج
چکو کون دور سیمک حکم بار
جستی بوددی اسکیم اه ایلان کیم
قدش لای که زلایم شک اشکی لایم بیت
کو کول قان بوددی و مشتیک اویتد
یوز یگا خوشی زلف ایلانک غلام
مخامری که خوشی پاتی دور
ی وصل ایستگم کما ای کو کون کیم
خدا ای سوره ی مانع بوددی کیم یار

یوق ایر پسر اب حیوان برله مروج
بایز بر اشک غلغان برله مروج
ایرود صبر بر طوفان برله مروج
که غلزم بوددی عیان برله مروج
یوقان محمل پکان برله مروج
که بوددی کفر ایان برله مروج
بودون قلمی ای قان برله مروج
ایرود اول نذر عجز ان برله مروج
سیر و دیشی افغان برله مروج

کو کول کما ایصل شکر خند ایلا علل
کو پاشی تمکین دیور سوز قوشن آتی
آینه لایمین ایما حورو پری سن سود

قیلغان کبی ضعیف و کلفت ایلا علل
محکم مرض خفیلای دی ایل پند ایلا علل
تا یاسی انیک غی انخا نشت ایلا علل

МУ Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
Алишер Навоийнинг ҳаёт саналари.....	6-7
Ғазал мулкининг султони.....	9
Навоий ва Ҳусайн Бойқаро.....	10
Қиталардан намуналар.....	10
Хамса.....	19
Низомий Ганжавий.....	26
Хусрав Деҳлавий.....	28
Ҳофиз Шеъротий.....	35
Абдурахмон Жомий.....	36
Навоий устоз ва мураббий.....	40
Навоийшунос олимлар.....	42
Навоий ҳикматлари.....	48
Навоий ғазали қардош тилларда.....	50
Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар.....	57
Навоий ёзган асарлар.....	60-61
Навоийнинг ўз қўлёзмасидан намуна.....	62

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҳаёти ва ижоди

(альбом)

Муҳаррир: Беҳбуд Ботиров
Дизайнер: Баҳодир Тўхлиев
Техник муҳаррир: Нодир Раҳмонов

Босишга рухсат этилди: 13.12.2010. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{8}$ Times
гарнитураси, Офсет босма усули. Шартли босма табағи: 7,0.
Адади 500. Буюртма № 29.

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

